

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

КУРС ИШИ

**Мавзу: Фермер хўжалигида ўсимликларни ёруғлик
маромини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти**

АНДИЖОН-2013 й.

Мавзу : Фермер хўжалигида ўсимликларни ёруғлик
маромини яхшилаш ва бошқаришнинг аҳамияти

Р Е Ж А

I. Кириш

II. Адабиётлар шарҳи

III. Асосий қисм

1. Фермер хўжалигининг тупроқ ва иқлим шароитлари
2. Хўжаликнинг умумий тавсифи
3. Хўжалик деҳқончилигида ўсимликларни ёруғлик
маромини яхшилаш
4. Фермер хўжалигида ёруғлик маромини бошқаришнинг
аҳамияти

IV. Хулосалар

V Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Кириш

Дехқончилик- қишлоқ хўжалигининг энг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини озиқ- овқат маҳсулотлари билан, саноатни хом-ашё билан , чорвачилик ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлайди. Шу билан бирга экинлардан сифатли ҳамда муттасил юқори ҳосил етиштиришда уларни парвариш қилиш усуллари, тупроқнинг унумдорлигини ошириш каби бир қатор тадбирларни амалга оширади.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов “ Ҳозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етарли соҳасига айланиб бораётгани айниқса эътиборга сазовор” деган эди Вазирлар Маҳкамасининг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлисда маърузасида. Демак, ғаллачилик ва пахтачиликда ёруғлик ва

иссиқликнинг энг асосий манбаи бўлган қуёш нурларидан самарали фойдаланиб деҳқончилик қилиш лозим. Чунки рус олими К.А. Тимирзаев (1948 йил) “ Ерга тушаётган ёруғликдан фойдаланилмаса у абадий йўқ бўлиб кетади, шунинг учун инсоният ердан қуёшдан тушаётган бирон бир зарра ёруғлик нурини исроф бўлмаслигига имкон борича интилиши керак” деган эди.

Демак деҳқончиликда ёруғликдан фойдаланишни яхшилаш ва бошқариш маълум аҳамиятга эга. Чунки бу нарсa экинлар хосилдорлигига бевосита таъсир этади.

II. Адабиётлар шарҳи

Илмий адабиётлардан бирга маълумки деҳқончиликда ўсимликларни ёруғлик мароми майдон бирлигидаги ўсимликлар кўчатларининг қалинлиги, экиш усули, экиш муддати, экиш меъёри ва суғоришни тўғри таҳлили қилиш билан бошқарилади. М.В. Муҳаммаджоновнинг (1954 йил) рисоласида таъкидлаганидек ўсимликларни кўчат қалинлиги уларни ёруғликка талаби бўйича ҳосил қилиниши лозим. Чунки ғўзада фотосинтез маъқбул ўтиши учун 70 минг люкс ёруғлик кучи бўлиши зарур. Ғўза қатор ораларини кенг қаторли қилиб кўчат сонини 100-110 минг тупдаги миқдорда етказилиши ўсимликларни ёруғлик билан таъминлашига тўсқинлик қилмайди.

Рус олими А.Г. Досренконинг (1966) йил фикрича “ Ер юзасида мўл-кўл бўлган ёруғликдан ўсимлик ҳоҳлаганча фойдаланганидек туюлсада аслида бундай эмас. Хусусан кузги буғдойни тупланишида ёруғликни аҳамияти катта. Ёруғлик билан яхши таъминланган буғдой ўсимлигининг пояси ётиб қолмайди. Ёруғлик етишмаганда яъни буғдой поя ва кўчат сони хаддан ташқари юқори бўлганда ўсимлик ётиб қолади.

М.Е. Меднис (1973 йил) рисоласида ғўза ўсимлигининг ёруғлик етишмаса бўғин ораси кенгайиб ғовлаб ҳосил нишонларини тўқиб юбориши эътироф этилган. Ғўза қатор ораларини торайтириш (45 см) ўсимликларда ёруғлик етимаслигини келтириб чиқариши қайд этилган.

М.В. Муҳаммаджонов ва С.М. Сулаймоновларнинг (1975-йил) илмий тадқиқотларида ғўзага ёруғликни таъсири чуқур ўрганилган.

Бошқа бир манбада таъкидланишича ёруғлик туфайли ўтадиган фотосинтез жараёнида 95% органик модда ҳосил бўлади, бунда қуёшдан фойдаланилади. 50-70 минг люкдан жуда жадал ўтади. С.Ўлдошев ва М.Назаровларнинг (1976-йил) илмий исботлашларида 60 смли қатор ораларига нисбатан 90 смли қатор ораларида ғўза ёруғликдан кўпроқ фойдалана олади ва фотосинтез жадал ўтганлиги боис ҳосил юқори бўлади.

1. Баҳромовнинг (1996 йил) илмий мақоласида кузги буғдойни экиш меъёри ва экиш муддати бевосита унинг кўчат қалинлигига ҳамда ёруғлик билан дахлдор эканлиги илмий ҳикматдан асосланади.

О.Раҳмонов Э. Бўриевлар (2001 йил) тажрибасида кузги буйдойнинг поя қалинлиги гектар ҳисобига 5574 минг дона бўлганда ўсимликлар ҳаёт омилларидан фойдаланиши ва юқори дон ҳосилини олиши аниқланган.

М.Назаров. М.Абдуллаевлар (2003 йил) ўз тадқиқотларида кузга буғдой кўчат қалинлигини ҳамда барг сатҳини ўсимликларни фотосинтетик хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган.

Л.Нажмидинов (2004 йил) тажриба ўтказиб кузги буёдойдан мўл қўл ҳосил етиштириш учун уни 25- сентябрда экиш лозимлигини бунда ўсимликлар ёруғлик омилидан мақбул яъни етарли даражада фойдаланиб қутилган юқори ва сифатли ҳосилни олиш мумкинлигини исботлаган.

1. Фермер хўжалигининг тупроқ ва иқлим шароитлари

Балиқчи туманидага “Обиджон ота” фермер хўжалигининг раҳбарии Баҳромжон Қосимов шзининг фермер хўжалигини таташкил топиши тўғрисида шундай маълумот беради. Ўзбекистон мустақилликка

эришгандан сўнг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг турли йўллари ишлаб чиқилди ва у тез суратлар билан амалга оширилди. Давлат мулклари хусусий мулкчиликка ўтказилди. Қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида ширкат хўжаликлари тугатилиб фермер-деҳқон хўжаликларида ўтказдирилди. Президентимиз Ислом. Абдуғаниев Каримов томонидан 2006 йил 9 ноябрдаги қарорига мувофиқ фермер хўжаликлари тузилди ва 2007 йилдан ўз фаолиятларини бошлашди. “Обиджон ота” фермер хўжалиги ҳам айнан шу вақтда ўз фаолиятини бошлаган. Фермер хўжалигининг майдони 172 гектар бўлиб, тупроқлари тўқ тусли қўнғир ўтлоқи бўз тупроқдир. Унумдорлик даражаси яхши балл банитети 52.58 хайдов қатлам таркибида чиринди миқдори 0.3 % кучсиз шўрланган. Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги 5-6 метр . Мелиорация ҳолати яхши майдоннинг 100 гектарига буйдой , 69 гектарига пахта ҳосили экилиб етиштирилади. 2009 йили якуни бўйича ҳар гектар ердан 53 центнердан ғалла, 35 центнердан пахта йиғиб териб олинган эди. Шу йили Улуғбек Ахмадалиев 2009-йил чигитни шакарлаб экиб, экинни суғоришда эса магнитдан фойдаланиш борасида вилоят прократураси қишлоқ хўжалик соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Йўлчиевнинг маслаҳатларига изчил амал қилиб, якунда самара кўрганлиги ҳақида сўзлаган.

Шу дўстининг фикр мулоҳазаларини эшитиб ва маслаҳатларига амал қилган ҳолда 2 йил давомида ҳосил миқдорини кескин ўстирди. Жумладан 1 гектар ердан ўртача 79 центнердан ҳосил бўлади. Олди майдонлар 85 центнергача дон етказди. Суғоришда магнитнинг

қўлланиши 5 бор ўтказилган суспензияда мисс толқони «Бор» кислотаси қўшилгани ўзини кўрсатди. Ғаллазорларда зараркунанда ёки касаллиги умуман йўламабди. 2010-2011 -2012 йилларда 38-42 центнергача ҳосил олинмоқда.

Иқлим шароити кескин барқарор қиши совуқ , ёзи иссиқ. Ғавонинг ўртача ҳарорати 15.7° С ўртача ғарорат июлда 29°С январда 2 °С . Йил давомида ёғин миқдори 180-200 мм . Ўртача ҳаво ҳароратининг 110°Сдан турғун ортиши 24 мартдан , шундан пасайиши 29- октябрдан бошланади. Ёўза учун фойдали ҳарорат 1 апрелдан 20- октябргача 2286 °С шундан 1 майгача 165 С , иннгача 151°С , 1- июлгача 966°С , 1- августгача 1493°С , 1- сентябргача 1947 °С .

Фермер хўжалигида сув эрозиясига олиниши ниҳоятда оз мелиорацияни мўтадиллаштириб турилади.

Фермер хўжалиги иқтисодиётимизга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фермер хўжалигида ўсимликлар ёруғлик маромини яхшилаш

Фермер хўжалигида ғўзанинг ёруғлик маромини яхшилаш ғўза нави ва чигит экиладиган қатор ораларини мақбул кўчат қалинлигини ҳосил қилинишини таъминловчи экиш тартибини танлаш куздаёқ бошланади. Хусусан 2008- йилнинг якунига қараб ғўзанинг “ Андижон-36” нави шу навга хос қатор ораси 90 см ҳамда экиш тартиби 90x10x1 танланади. Шунингдек асосий хайдовдан сўнг ер текисланиб кузги пушталар ҳам шу қаторда ораси ҳисобга олиниб тайёрланиб қўйилади. 2009- йил 26-март куни етилганлиги учун чигит 90x12x1 тарбди екилди, апрел ойининг охирида ҳар йилда бир донадан ўсимлик қолдирилиб 100 минг турларга кўчат қалинлиги ҳосил қилинади. Кейинчалик парваришlash объектни агротехникасини сифатли ўтказилди. Натижада гектар ҳисобидан 35.1 центнерга ўтган йилдагидан 5.2 центнерга юқори ҳосил олинади. Чунки кенг қатор ораларида ҳар бир ерда 1 донадан қолдирилган ёруғлик маромини бир хилда мақбул ҳолда сақланади. Ғўзанинг суғориш иши 3 марта сифатли амалга оширилади. Ғўза бўғин оралари қисқа бўлиб, барг сатҳи гектарига 28.5 минг м² ни ташкил этади. Ўсимлик ғовлагани, сербарг бўлгани учун ёруғликдан яхши фойдаланади. Мўл-кўл ҳосил яратилади. Биринчи терим 14- сентябр куни бошланиб, 13 кун давом этади, гектар ҳисобидан 28.3 ц/га пахта териб олинди. Октябр ойи бошларида пахта ҳосили деярли 95% йиғиштириб олинди.

Бунда яна бир сабаб пахта майдонларини бегона ўтлардан 4 марта тозаланиб ўтоқ ўтказилди. Чунки бегона ўтлар ғўзани соялатиб

ёўзаларни ёруғликдан фойдаланиш маромини бузар, ҳосилни кечпишар қилиб уни салмоғини пасайтириа эди.

Бундан ташқари ҳосилдорликни ортиши ҳосилни эрта пишиб етилишида кузги пушталарга чигит экиш одатдагидан 4-5 кун барвақт бошланди, Сернам ҳарорати етарли тупрокда чигитлар 10-15 кунда қийғос униб чиқди. Серавж ривожланди. Қолаверса пахта хўжалигининг ҳосилини эрта йиғиштириб олиниши кузги буғдойни ҳам мақбул муддатда екиш имконини беради. Чунки илмий тавсиялар октябр ойининг биринчи яримида экилган буғдой кузнинг ҳарорати ва ёруғлигидан яхши фойдаланиб юқори ҳосил бериши келтирилган. Шу йил кузги буғдой 3-12- октябр кунлари экилди, мақбул кўчат сони ташкил этилди. Ўсимлик тўла туп-туплаб, қишлаш даврида ўтиши таъминланди.

Фермер хўжалиги ўтган йилги буғдойни октябр ойи охирларида 3-декабрда эккан эди. Сабаби пахта йиғим-терими чўзилиб кечиқиб қолган эди. Демак кузги буғдойни мақбул муддатда экиш ҳам ўсимликни ёруғлик маромини яхшилайдди.

Ёруғлик маромини бошқаришни аҳамияти

Фермер хўжалиги умуман олганда ҳар қандай деҳқончилик майдонларида ёруғлик маромини бошқариш ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Мисол учун ўсимлик ҳаётини омилларидан бири ҳисобланган ёруғликка бўлган талабига қараб ўсимликлар соясевар ва ёруғсевар ўсимликларга бўлинади. Соясевар ўсимликлар учун ёруғлик мароми кўп талаб этилмайди. Бироқ бу уларга ёруғликни хожати йўқ дегани эмас. Чунки ҳар қандай фотосинтетик жараён асосида ёруғлик ётади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий экинларидан бири бўлган ғўза ёруғсевар ўсимликлар сирасига киргани боис у кенг катор оралаб 60 ёки 90 смга экилади. Ғўзанинг барглари бир-бирига соя қилмасдан қуёшга қараб жойлашади. Бу нарса уларни ўрганиш моддаларни яхши тўлашига ва ўсимликни хаводан озикланишига имкон яратади. Буйдой ҳам худди шундай ўсимликлардан биридир. Сийракроқ поя қалинлигига эга бўлган буйдой ёруғликдан кўпроқ фойдаланса, бир номдаги бошоқ сони 450 донадан ошмаган эди. Натижада 2009- йилда гектар ҳисобидан 53 центнердан ғалла етиштирилди. Кейинги йилларда эса бу тадбирлардан ташқари яна бошқа ижобий ҳаракатлар натижаси сифатида ҳосил миқдори янада ортиди.

Кузда буғдой эртароқ экилганлиги боис ҳосилни ҳам 10 кун эрта йиғиштириб олинди. 10-15 кунда такрорий экин маккажўхори экилди.

Такрорий маккажўхори ҳам ёзги, кузги ҳарорат ва ёруғликдан яхши фойдалангани учун гектар ҳисобидан 420 центнердан ҳўл масса ҳосил олинди.

Демак, ғўза, буғдой ва маккажўхори ҳамда бошқа экинларни нави, экиш усули, экиш муддати, экиш меъёрлари уларни ёруғлик маромига бевосита таъсир этади.

Вўза агротехникаси

2012 йил

№	Агротадбирлар	1	2	3	4	5
1	Хайдов олдидан ўғитлаш	28.01.11				
2	Асосий хайдов	30.11.11				
3	Шихмололаш	07.03.12				
4	Ерни экишга тайёрлаш	08.04.12				
5	Экишдан олдин бир йиллик бегона ўтларга гербицид қўллаш	09.04.12				
7	Чигит экиш	10.04.12				
8	Чигит суви бериш	13.04.012				
9	Озиқлантириш	16.05.12	18.06.12	13.07.12		
10	Ягоналаш	01.05.12				
11	Суғориш	19.05.12	20.06.12	14.07.12	10.08.12	05.09.12
12	Қатор ораларини ишлаш	06.05.12	10.05.12	08.06.12	05.07.12	01.08.12
13	Чопиқ ва ўтоқ	01.05.12	15.06.12	03.07.12		
14	Чилпиш	01.08.12				
15	Хашоратларга қарши кураш	11.07.12	08.08.12			
16	Дефоляция	21.09.12				
17	Пахта терими	20.09.12	05.10.12	20.10.12		

Кузги бугдой учун агротехник тадбирлар

2012 йил

№	Агротадбирлар	1	2	3	4	5
1	Вўза қатор орасига ишлов бериш (култиватция 12-15.см)	06.10.12				
2	Экиш	08.10.12				
3	Эгат олиш	08.10.12				
4	Уруғ суви бериш	10.10.12				
5	Озиқлантириш	26.02.12	17.03.12	20.04.12	05.05.12	
6	Бегона ўтларга қарши “энтостар” гербицидини қўллаш	10.03.12				
7	Суғориш	29.03.12	23.04.12	12.05.12	03.06.12	
8	Зангга қарши ишлов бериш (титул 25гр/га)	14.04.12				
9	Қўлда ўтоқ қилиш	10.05.12				
10	Ҳосилни йиғиб олиш	25.06.12				

Хулосалар

1. Ёўза ўсимлигининг ёруғлик маромини яхшилаш ва бошқаришда унинг кўчат қалинлиги қатор орасидаги масофа муҳим аҳамиятга эга.

2. Кузги бўғдойнинг ёруғлик мароми унинг экиш муддати меъёри, ҳамда майдон бирлигидаги поялар сони билан боғлиқ.

3. Такрорий маккажўхорининг экиш муддати гектар хисобидаги кўчат сони , ўсимликни ёруғлик билан таъминланишига бевосита боғлиқ

4. Ёруғлик – бу ўсимлик учун озиқа манбаи ва ҳосил етиштирилишининг асосидир. Чунки булар фақат фотосинтез туфайли фотосинтез эса ёруғлик ва ҳарорат таъсирида содир бўлади. Ёруғлик ўсимлик учун зарур ҳаёт омилларидан бири бўлиб, бу омилсиз ҳеч бир ўсимлик ўсиб ривожланиши мумкин эмас.

Адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 1 ярами яқунларига ва 2006 йил 9 ноябрдаги Қарорларига бағишланган маърузалар “Мустақил юрт ғалласи” Тошкент -2003 9-бет

“Ёрни ўз эгасига топшириш” Тошкент -2006 йил

2. С.Баҳромов “Кузги бугдой ва унинг ҳосилдорлиги”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” 1996 йил №6 34-бет

3. С.Баҳромов “Чиллакининг экиш муддати” АКХИ тўплами Андижон 2007-йил 406 бет

4. С.Баҳромов “ Кузги бугдой-крошка навини экиш муддатлари ва меъёрлари ” Ўзбекистон Т И Т И тўплами Тошкент 2006-йил 425-бет

5. М,Б, Мухаммаджонов “Вўза агротехникаси” Тошкент 1954 йил 152-бет

6. Доеченко А,Г. “ Фактор жизни расноний Москава” 1966-йил 280-бет

7, М.Б .Мухаммаджонов “ Научные основис Силаймонов С.Ш. ” Разниченция хлоқа-қа в носевах” Тошкент 1975 226-бет

8. М,Б,Мухаммаджонов “Вўза агротехникаси” А.Зокиров Тошкент 1998 224 бет

9. Назаров “Кузги бугдойни фотосинтез иш қобилиятига турлича кўчат сонларининг таъсири” Ўзбекистон Т И ТИ тўплами Абдуллаев Тошкент 2003 йил 398-бет

10. О.Рахмонов “Қарши чўли тақирсимон тупроқларда бугдойни истиқболли навларидан юқори ҳосил олиш йўллари илмий асослаш” Тошкент 2011 йил 119-бет

11.З.Шодмонов Ф.Хасанова “Кузги бугдойни хар-хил муддатларда экишнинг ҳосилдорликка таъсири” Ўзбекистон ПИТИ тўплами Тошкент 2007 йил 283-бет